

ЭКОЛОГИК
ЭКСПЕРТИЗАНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

РЕЖА

1

- Экологик экспертизанинг ҳуқуқий асослари тўғрисида тушунча.

2

- Экологик экспертизанинг ҳуқуқий асослари тизимлари.

3

- Экологик экспертиза муносабат қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, жавобгарлиги.

Экологик экспертизанинг бошқорув тармоғи ва фаолият чифатидаги мазмуни ва моҳиятини экологик ҳуқуқий тартибга солувчи экологик ҳуқуқий нормалар, институтлар белгилайди. Экологик экспертизанинг ҳуқуқий нормалари фақат Ўзбекистон республикаси Конституциясига асосланган қонунлар билан белгиланади. Бу баравар даражада экологик экспертиза бўйича Ўзбекистон республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойишлари (буйруқлари), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (ҳукуматининг) қарор ва фармойишларига ҳам тааллуқлидир. Шундай қилиб, экологик экспертизанинг ҳуқуқий асослари экологик ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий актлар (расмий ҳужжат) ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий актлар тегишли ваколатли оргонлар томонидан чиқариладиган ҳужжатлардан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг экологик экспертиза бўйича экологик норматив–ҳуқуқий аклари тизими моҳиятига кўра қонунлар мажмуи тизими бўлиб, улар республикада амалга оширилаётган атроф муҳит муҳофазаси соҳасида қабул қилинган ва тайёрланаётган қонунларга боғлиқ ҳолда доимий равишда такомиллаштирилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”(2000 йил) қонунида экологик экспертизанинг ҳуқуқий асослари тўла баён қилинган. Бундан ташқари экологик экспертиза учун катта аҳамиятга эга бўлган табиат компонентларини муҳофаза қилиш бўйича қатор қонунлар қабул қилинди.

Булар қаторига

атмосфера, ер,
сув, ер ости
бойликлари,

ўсимлик
ва
ҳайвонат
олами,

алоҳида муҳофаза
қилинадиган ҳудудлар
тўғрисидаги қонун
ҳужжатлари киради.

Экологик экспертизанинг субъектлари буюртмачи (ваколатга эга давлат структураси), пудратчи (экспертиза ижрочилари—мутахасислар), истеъмолчи (экспертиза объекти—корхона ёки ташкилотнинг эгаси) ўртасидаги муносабатлар “Экологик экспертиза тўғрисида” ги қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб берилган. Уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилган.

Экологик экспертиза принципларига қуйидаги хусусиятлар хосдир:

1


- Буюртмачи–давлат экологик экспертизаси соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳисобланади.

2

- Пудратчи экологик экспертиза топшириқларини бажарадиган айрим мутахассислар ёки илмий тадқиқот институтлари махсус комиссиялар бўлиши мумкин. Улар қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлар, мажбуриятлардан фойдаланиб ўз вазифаларни бажарадилар ва қонун талабларини бузганлик ва қонунга зид ишлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

3

- Экологик экспертиза тизимида истеъмолчи сифатида эксперт тахлилининг предмети ҳисобланган корхона ёки ташкилотнинг эгалари қатнашади.



Хозирги замон экологик эксспертизаси
принципларининг қуйидаги учта йўналишини
ажратиш мумкин:

1

- умумий принциплар;

2

- конкрет илмий принциплар;

3

- юридик (ҳуқуқий) принциплар.